БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЮЛ ЧИҚИШИ
№ 202 (3430).

15 октябрь
ШАНБА
1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БИР СЎЗЛИ ПАХТАКОР

БЎКАДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ПЛАННИ 22 ИШ КУНИДА БАЖАРДИ

Ғўзалар кўсаклардан маржон тақиб деҳқон дилини қувонтирган, ҳосил кўзга кўринниб қишлоқларда торози, хирмон ҳаракатига тушиб қолинган ёз кунлари эди. Раис ҳам, бригадир ва звеновой ҳам пахтасининг чўғини чамалаб кўради. Йигирма беш, ўттиз центнерни мўлжаллайди, бу пайкалдан нариги картага ўтгач кўнглидаги рақам камроққа ўхшаб туюлади. Негаки бу жойдаги ҳосили мўлжалдан баланд, бемалол ўттиз икки центнер десак уялмаймиз.

Чигит экишдан тортиб, токи пахта пишиб етилгунча бир давр ҳисобланса, ҳосилни йиғиштириб олиш иккинчи давр. Кейингиси кўп меҳнат, ҳаракат талаб қилади. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, аниқ режалар тузилган ҳолда йиллик план 22 иш кунида бажарилади деган қарорга келинган эди. Колхозчиларнинг бу қарори область партия комитети томонидан маъқулланиб, уларнинг йиғим-теримни ўтказиш соҳасидаги ибратли ишлари бошқа хўжаликларда ҳам амалга оширилсин, дейилганди.

Пахта теримига тушилган дастлабки кунлардан бошлаб ташаббускорлар иши кузатиб турилди. Улар пойгада қайси ўринда кетаяптилар, одим ташлашлари қандай, отга қамчи босишлари қай йўсинда эътибор марказида бўлди. Улар ҳам буни билишар, кун сайин олга интилардилар. Пахта учун кураш ҳужуми авжига чиққан кунларда бир-икки марта ёғингарчилик бўлди. Шунда ҳам отлар жилови маҳкам ушланди, аммо, табиийки, кўпчилик қатори суръат бироз бўшашди. Ҳаво жўнашиб кетгач, ўша ёғингарчилик кунларда кам пахта берилганининг ҳиссасини чиқариш учун терим машиналари ҳаракати тезлашди, пунктга қатнаётган шоферлар, тракторчилар ишни жадаллаштиридилар, теримчи қизлар этаги пахтага тез-тез тўлиб турди, хирмондагилар ҳа бўл, ҳа бўлни кучайтиришди.

Кўпчилик ўртасида айтилган гапнинг устидан чиқилди. Йиллик план 22 иш кунида ошиғи билан адо этилди. Давлат омборига 3351 тонна пахта тўкилди. Қадоқ қўллар рапортга имзо чекди. Ҳорғин юзларга меҳнат табассуми жило берди. Қишлоқдаги каттадан-кичик механик-ҳайдовчиларни кафтларида кўтаргудек бўлиб, чин кўнгилдан ардоқлашди. Чунки ҳосилнинг 70 процентини — 2300 тоннасини шулар териб беришган эди.

Бу гаплар Бўкадаги «Ленин йўли» колхозининг шаънига айтилаётибди. Маррага етилган кунда босиб ўтилган йўлга бир назар ташланади одатда. Шунда муваффақиятга эришиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганларнинг табаррук номлари қонқиш билан тилга олинади.

Бир юз йигирма гектарлик пахта майдонига эга бўлган ва ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топшириб яна 10 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш учун курашаётган Робияхон Каримова бошлиқ бригадада пахтанинг қарийб ҳаммаси машинада териб олинди. Толиб Азизов, Мустаб Музаффаров, Деҳқон Каримов, Усмонқул Ҳайдаров, Қорақул Обидов ўртоқлар бошлиқ бригада, звенолар гектаридан 26—27 центнердан ҳосил кўтаришди, камида яна 10—12 центнердан пахта берамиз дейишяпти.

Колхознинг етмиш процент пахтасини машинада териб олишида бункердан 78—101 тоннадан пахта тўккан Жиянча Ҳайдаров, Муҳит Мамедов, Худойберди Усмонов, Муса Исаевлар, тошматовчилар ҳаракатига кўшилиб шоферликдан терим машинаси штурвалига ўтирган ва 75 — 80 тоннадан пахтани пўлат этаклардан тўкган Эргаш Худойқулов, Шариф Абдуҳолиқов, Ражаб Давришовлар мана бугун план юздан ошиб, ишлар сарҳисоб қилинаётган кунда кўпчилик олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Уч кундирки, «Ленин йўли» колхозининг азамат механизаторлари ва пахтакорлари мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Улар бу йил 4000 тоннаник хирмон уюшмоқчи, яъни пландан ташқари 650 тонна «оқ олтин»ни беришга қарор қилинган. Ўзлари айтган муддатда — 22 иш кунида планни тўла адо этган бир сўзли бу азаматлар мажбуриятларини ҳам тез кунда адо этадилар.

С. МАҲКАМОВ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР, МИНГ РАҲМАТ

Бугун каттадан-кичик ҳаммамиз беиҳоя хурсандмиз. Бирбиримизни чин юракдан қутлаймиз. Кузни куз, қишни қиш демай, аччиқ изгиринларга бардош бериб ер ҳайдаган, яхши ният билан чигит қадаган, ҳар тун ғўзани бамисоли фарзанддай авайлаб, меҳр билан парвариш қилган азамат механизаторларимизга минг-минг раҳмат айтамиз. Ҳафталаб уйқуни тарк этиб, пайкалларга сув етаклаган, ниҳоллар томирига ҳаёт суви оқизган миришкорларимизга, пахта ишқида ёнган опа-сингилларимизга миннатдорчилик билан балли, деймиз.

Ана шу жонкуярларимизнинг ғайрат-шижоат билан қилган ҳалол меҳнатлари самараси бутун дилларимизни хушнуд қиляпти. Ана шу пахта майдонларининг баҳодирлари колхозимизга улкан зафар келтирди. Улар 1518 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 25 центнердан хирмон кўтарилганлиги ҳақидаги, жонажон Ватанимизга 3 минг 700 тонна «оқ олтин» етказиб берилганлиги ҳақидаги зафар рапортига имзо чекдилар. Пахта етиштиришда деҳқонларимизнинг мададкорлари бўлган механик-ҳайдовчиларимиз ўз «зангори кема»лари бункерларидан 2 минг 110 тонна ҳосил тўкиб, машина терими планини 115 процент бажарилишини таъмин этдилар.

Шу ҳурсандчилик кунида пахтазорларда «зангори кема»ларини жавлон урдириб, жасорат кўрсатган баҳодир механизаторларимиз номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Утган фурсат ичида ўз агрегати билан 105 тонна пахта терган Маҳкам Туробқулов, 80—90 тоннаданга етказган Кукен Бекенев, Мамат Исроилов, Жўра Асқаров ўртоқлар, сизга, сизларнинг сафингиздаги касбдошларингизга ташаккур. Сизлардан колхозимизнинг каттадан-кичиги жуда-жуда миннатдор.

Ҳали далаларимизда пахта сероб. Она-Ватанга пландан ташқари яна 800 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдик. Колхозимиз азамат деҳқонлари, қаҳрамон механизаторлари, биз сизларга яна бир бор мурожаат қиламиз. Келинг, белимизни яна бир бор маҳкамроқ боғлаб, йиғим-терим суръатини бўшаштирмайлик. Қолган ҳосилни ёғинсочинга қолдирмай эртароқ йиғиштириб олиб, областимизнинг маррага барвақт етиши учун олиб борилаётган улкан қурашига муносиб ҳисса қўшайлик. Бу колхозимиздаги ёшу-қари ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

М. РЎЗИМАТОВ,
Ўрта Чирчиқдаги Охунбобоев номли колхоз раиси.
М. ҚУШТОЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

УСТОЗЛАР БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА

Олтин кузининг ҳар тонгидан, тун чодирини ёйган оқшомигача шу қадрдон пахта далалари ўз миришкорлари билан гавжум бўлади. Қайноқ меҳнат нафаси уфуриб туради. Тоннатоннаклаб «оқ олтин» прицеплар карвонида Ватан омборига узатилади. Маррага яқинлашган сари теримчи опа-сингилларнинг, ака-укаларнинг, саҳоватли оталаримиз-оналаримизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилади «Пўлат от»лар жиловини маҳкам ушлаган механизаторлар-чи? Хирмонга беминолти тоннадан «оқ олтин» тўкишмагунча юрак меҳрини эйган шу пахтазордан силжимайдилар.

Бугун ҳаракат, кураш, интилиш эса аввалги кунларга қараганда ўн чандон ортиқ. Теримчининг ҳам, механик-ҳайдовчининг ҳам иши тиғиз, шоферлар, тракторчилар, хирмондагиларнинг қадам олишлари ҳаққон. Пахтазорда ҳам, хирмонда ҳам, қабул пунктининг дарвозасида ҳам «ҳа бўл, барака топ, қандингни ур» деган гаплар.

Ахир бугун қўшни Охунбобоев номли колхоз манзилга етади. Қўшниларидан орқада қолишга бўйин ёр бераднми, ундан кейин ўртада аҳди-паймон бор. Маррага бир кунда етамиз, деб сўз бериб қўйилган, уялиб қолмаслик керак. Каттадан-кичик мана шу ҳақда ўйларди. Шу ўй, шу туйғу уларни ғайрат-шижоатга миндирарди.

Ҳа, Калинин номли колхоз деҳқонлари бундан уч-тўрт йил илгари «қолоқ, камқувват» деган таъна сўзларни кўп эшитишган. Мана, икки йилдирки ана шу таъналарни ораларидан йўқотиш учун кураш кетаяпти. Бунда ўша қўшни Охунбобоев номли колхоз тажрибали деҳқонларининг, механизаторларининг ҳиссаси катта. Ерни қадрлашни, ҳосилдорликни оширишни, пахтачиликда янгиликни, комплекс механизацияни кенг қўлланишни ана шу устозларидан ўрганишди. Агар бугун шогирдлар устозлар билан бир кунда зафар рапортига имзо чекишса, ким севинмайди, дейсиз. Ҳамманинг қалби чексиз хурсандчилик билан тўлади.

Ўша куни кураш шомгача давом этди. Ҳамма хушхабарга мушток эди. Қабул пунктидан қайтаётган шоферлардан, тракторчилардан «план 100 бўлди» деган сўзни эшитиш иштиёқи зўр эди.

Мана, бугун катта пайкалда колонна бўлиб «зангори кема»ларни жавлон урдирган, хирмонга қар кунгидан кўра кўпроқ пахта тўккан, эл-юртнинг ҳурматини қозонган механик-ҳайдовчилар ҳозиргина шийпонга йиғилишган. Уларнинг ўз ишларидан мамнун, кўнгиллари тўқ эканлиги чеҳраларидан сезилиб турарди. Бир-бирларидан хирмон баракасини сўрашарди.

— Меники 100 тоннадан ошди, — хурсанд бўлиб дейди Исмоил Аҳмедов.

— Бизники бўлса, — Абдували Усмонов ёнидаги касбдоши Жаҳонгир Муҳаммедшинни кўрсатиб дейди, — 90 тоннаданга етди, — ён дафтарига назар ташлайди, — бўш келмаймиз Абдували, ҳали замон сенга етиб оламиз.

Бу ерда ўз агрегати билан 70—80 тоннадан пахта терган баҳодирлар оз эмас. Уларнинг ҳаммаси касбини севган, пахта ишқи билан ёнган йигитлар, ўз устозлари Охунбобоев номли колхоз механизаторларидан машинада тез ва соз терши таълимини олган муносиб шогирдлар.

Шундай бўлди. Эрталабдан кутилган хушхабар келди. Бу хушхабарни колхоз раиси Болтабой Иброҳимов билан партком секретари Мавлон Қўштоевлар олиб келишди.

— Пахтамиз 2570 тоннага етди. План ортиғи билан бажарилди. 2350 тонна пахтамиз биринчи сортларга қабул қилинди. Машина билан терган пахтамиз 1650 тонна бўлди, — раис бу гапларни шу ерга йиғилганлардан миннатдор оҳангда гапирарди.

Шогирдлар устозлари — Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари билан бир кунда галаба рапортига имзо чекдилар. Улар устозлари билан баббаравар — она-Ватанга яна 800 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Ана шу ҳосилнинг 500 тоннасини механизаторлар териб берадиган бўлишди. Эндиги кураш ана шу йўлда бораяпти.

Ж. УСМОНОВ.
Ўрта чирчиқ.

● Сиз суратларда пахта майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган (юқоридан пастга) Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг механик-ҳайдовчиси М. Аҳмонов, шу райондаги Навоий номли колхознинг чевар теримчиси С. Норжигитова, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиси Т. Дўсмуҳамедова ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Абалян ва Т. Сафаров фотолари.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ОҚҚУРГОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ленин номли колхоз (раиси **В. Ким**, партия ташкилотининг секретарь **К. К. Когай** ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 200 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Калинин номли колхоз (раиси **А. Совғабоев**, партия ташкилотининг секретари **У. Музаффаров** ўртоқлар. Бу колхоз пландан ташқари 200 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Гулистон» колхози (раиси **И. Ҳайдаров**, партия ташкилотининг секретари **К. Ҳайдаров** ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 800 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ўзбекистон» колхози (раиси **Пак Ден Хиб**, партия ташкилотининг секретари **Ш. Утебоев** ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ленин номли колхоз (раиси **Т. Нормуҳамедов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Аҳмадалиев** ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Терешкова номли колхоз (раиси **У. Ҳасанова**, партия ташкилотининг секретари **А. Ҳайдаров** ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 500 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

Ҳар гектар ердан салкам 30 центнердан хирмон кўтариш режасини тузганмиз. Топшириладиган 1835 тонна пахтанинг 1100 тоннасини «зангори кема»ларда териб олишни планлаштирганмиз.

Бундан кўриниб турибдики, зиммамизга олинган мажбуриятимиз енгил эмас. Бу нечоғлик ишни пухта ташкил қилишни талаб қилади. Пахтакорларимиз ҳар бир ишни режа билан ташкил қилиб, тезроқ маррага етиш йўлида астойдил ҳаракат қилишаяпти. Ишчи кучлари, техниканинг ҳаммаси йиғим-теримга сафарбар қилинган. Илғор теримчиларимиз ва механик-ҳайдовчиларимиз суръатга суръат қўшишиб, янгидан янги ғалабаларни қўлга киритишаяпти. Кундалик нормасини бир ярим, икки баравар ва ундан ошириб бажараётган чевар теримчилар, илғор механик-ҳайдовчилар кўпчиликни ташкил қиляпти. Ҳар бир киши қанча пахта териш юзасидан конкрет мажбурият олган. Шунга яраша иш қиляпти.

Бўлимда терилган пахталарни ёйиб қуритиш ва тайёрлов пунктига жўнатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Машина, отаравалар сабабсиз тўхтаб қолмаяпти.

Теримчиларимиз ўртасида Улуғ Октябрнинг шонли 49 йиллиги шарафига бошланган мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу мусобақада ёшлар, кексалар қўйинчи ҳамма кишн фаол қатнашмоқда. Биз теримчилар ўртасида кўпмингкилограммчилар сафини кўпайтириб, ҳосилни тез кунда тўла-тўкис йиғиштириб олиш чорасини кўрамиз. Бўлимимиз пахтакорлари маррага яқинлашиб қолишди. Бугун-эрта ғалаба рапорти берамиз. Ҳозир бутун куч, техника воситалари шу мақсадга эришиш учун курашга сафарбар этилган.

К. МИРРАҲИМОВ,
1-«Далварзин» совхози, 3-бўлимнинг агрономи.

● Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ўртоқ Ойниса Жойлова бошлиқ бригада аъзолари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар. Бригада пахта майдонларида «зангори кема»лар жавлон уриб хирмонга кундан-кунга барака киритмоқдалар. Суратда: машина билан терилган пахталар прицепларга ағдарилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

37 ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ

Колхозимиз деҳқонлари, моҳир механизаторларимиз пахта далаларида ёз бўйи астойдил меҳнат қилишди. Ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстириш учун пешона терларини, юрак қўрларини тўкишди. Йиғим-терим бошланиш арафасида далаларни бир сидра қайта кўздан кечириб чиққанимизда планнигина эмас, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам тўла қоплайдиган миқдорда мўл «оқ олтин»ни етиштирганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилган эдик.

Пахта ишқини дилга жо қилган опа-сингилларимиз, ана-укаларимиз енг шимариб ишга киришдилар. Улар йиғим-терим даврида ўз зиммаларига юклатилган вазифанинг ниҳоятда масъулиятли, шу билан бирга шарафли эканлигини чуқур ҳис этдилар. Улар пахтакорларга энг яхши нав пахта уруғи етиштириб бериш йўлидаги курашга муносиб ҳисса қўшаётганликларини яхши билардилар.

Бугун колхозимизнинг каттадан-кичиги беиҳоя хурсанд. Ўз ҳалол меҳнатларининг гаштини сурмоқдалар. Давлатга 4050 тоннага яқин «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик планни ортиғи билан адо этдилар. Уларга зафар ёр бўлди. Ҳар гектар ердан олган ҳосилимиз 30 центнерданга етди. Машина терими юзасидан берилган план 133 процент бажарилди. Планда белгиланган 2290 ўрнига 2451 тонна уруғлик пахта етказиб берганлигимиз билан хурсандмиз.

Йиғим-теримда Пяк Пётр, А. Турғунбоев, Пан Ман Бок ўртоқлар сингари механик-ҳайдовчиларимиз, Ж. Абдужабборова, Б. Айтбоева, З. Отамнулова, К. Баратова, С. Жамолова, Р. Убайдуллаева, А. Сулаймонова ўртоқлар сингари кўп минг килограммчи теримчиларимиз жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Биз уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Она-Ватанга пландан ташқари 975 тонна пахта етказиб бериш, шундай қилиб гектаридан олинадиган ҳосилни 37,2 центнерданга етказиш йўлида қизғин кураш давом эталяпти. Колхозимиз деҳқонлари Улуғ Октябрь байрами кунигача ана шу аҳдларининг уддасидан чиққанликлари ҳақида эл-юртга хушхабар етказадилар.

Н. А. ЦОЙ,
Юқори Чирчиқдаги «Правда» колхозининг раиси.
Г. ЮГАЙ,
партия комитетининг секретари.

323.000 ТОННА ТОШКЕНТ пахтаси УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 14 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда терилган	Мавсум бошидан	Бир кунда машинада терилган	Мавсум бошидан бери машинада терилган
Оққўрғон	1,70	97,62	1,41	111,13
Юқори Чирчиқ	0,58	93,99	0,37	196,13
Бўка	1,66	90,48	1,72	110,54
Ўрта Чирчиқ	0,30	87,89	0,34	103,38
Калинин	0,47	85,52	0,75	79,50
Оржоникидзе	1,02	84,75	1,40	93,80
Бекобод	1,75	83,16	1,48	88,51
Янгийўл	0,46	79,77	0,70	87,62
Область бўйича	1,13	88,31	1,16	104,23

ПОДБОРШЧИКЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

Корхонамизда ҳар йили бирорта янги машина яратиш ёки модернизация қилиш одат тусига кириб қолган. Утган йили март ойида дастлабки пахта подборшчиги йиғув цехидан қишлоққа томон йўл олган эди. Ўша йили ПХ-1,2 маркали тўкилган пахтани териб олувчи бундай агрегатдан 2363 та ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида эса пахтакорлар 3737 та ПХ-1,2 ни қабул қилиб олдилар.

Қишлоқдаги дўстларимиз подборшчиклар ишидан гоятда хурсанддирлар. Корхонамизга пахтакорларнинг яхши истаклари битилган мактублар келиб турибди. Бу бизни янги-янги марралар сари руҳлантираяпти. Тағин ҳам тезроқ ишлашга, кўпроқ сифатли агрегатлар ишлаб чиқаришга ундаяпти.

Корхонамизда илғорлар оз эмас. Талъат Солиҳов, Иброҳим Толипов, Николай Биков каби йиғувчилар ҳар сменада 12 та машинани қўлдан чиқаришяпти. Иккинчи сменада меҳнат қилаётган йиғувчилар ҳам смена давомида ўн иккита агрегатни старт майдонига тизиб қўйишаяпти. Демак, ҳар суткада завод бош конвейеридан 24 та тўкилган пахтани териб олувчи машина тушаяпти.

Бу йил коллективимиз ПХН-1,2 маркали янги хил подборшчик ишлаб чиқаришга киришди. Август ойида шундай агрегатдан ўнтаси тайёрланиб, Ўрта Осиё, Тожикистон ва Закавказье машина-синов станцияларига жўнатилди. Еттитаси эса, Тошкент ва Сирдарё областлари хўжаликларига берилди. Агрегатларимиз синов давомида ижобий баҳо олмоқда. Шунинг учун ҳам биз уни ой сайин кўпроқ ишлаб чиқаришга ўтказишга қилмоқдамиз. Сентябрда 60 га яқин ПХН-1,2 тайёрлаган бўлсак, октябрь ойида 130 та, ноябрь ойида эса бундан ҳам кўпроқ машина тайёрлаш ниятимиз бор.

Хўш, янги маркадаги машинанинг хосияти қандай? ПХН-1,2 даги саралаш қисми пахтага ёпишган ҳар хил чўп-хасларни бир томонга ажратиб ташлайди. Подборшчик билан йиғилган пахтани сўнг қўрак чувиш машинасидан бир бор ўтказилса бас, ХТ-1,2 да терилган «оқ олтин»дан фарқи қолмайди. Янги агрегатнинг бошқа бир қатор узеллари ҳам ПХ-1,2 га нисбатан анча сифатли ишлайди.

Коллективимиз изланиб кенг қаторли ПХП-1,8 маркали подборшчик ишлаб чиқариш технологиясини ҳам йўлга қўйди. Сирдарё области пахтакорлари учун бундай прицепи бор агрегатларнинг дастлабки партияси яқинда жўнатилди.

Янги агрегатлар ишлаб чиқариш, узеллар унумдорлигини ошириш, танвархини арзонлаштириш бўйича олиб борилаётган курашда рационализатор ва ихтирочиларимиз олдинги сафда боришаяпти. Ҳозир бизда ҳар юз ишчининг ўнтаси янгилик ишқивозидир. Биргина бизнинг цехимиз рационализаторлари ўтган тўққиз ой давомида ўз таклифлари билан 16 минг 600 сўмлик маҳсулотни тежаб қолди. Ваҳоланки, план 9800 сўмлик иқтисодий самара кўриш эди. Сергайрат рационализаторларимиздан мастер Петр Акимов, слесарь Виктор Крупкин, ишчи Захи Сакаев, пайвандчи Геннадий Никишин ва бошқа ўртоқлар ҳамон изланишда. Улар ишлаб чиқаришнинг кемтик жойларини тузатиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Янгиликнинг хосияти билан цехимиз ой сайин топшириқларни ортиғи билан адо этиб келмоқда. Утган давр мобайнида тайёрланилаётган машиналар таннархи 2,7 процент арзонлашди. Яъни маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига цехимиз 75 минг сўмликка яқин иқтисодий фойда кўрди. Бу соҳада биз корхонада биринчиликни олиб келаяпмиз. Ишчиларимиз пул мукофоти билан тақдирланаяпти.

Ишдан ташқари пайтни ҳам биз кўнгилдагидек ўтказаяпмиз. Цехимизнинг ўз футбол командаси бор. Корхона биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда футболчиларимиз биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Уларга яқинда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти ёрлиғи топширилди. Бирга дам олиш, кино ва театрларга тушиш, шаҳар чеккасидаги хушманзара жойларни томоша қилиш бизга одат бўлиб қолган. Бу тадбирлар яна ҳам унумлироқ меҳнат қилишга, кўплаб сифатли агрегатлар ишлаб чиқаришга ёрдам бераяпти.

Б. СОРОКИН,
«Узбексельмаш» заводи подборшчиклар йиғув цехининг бошлиғи.



Олмалиқ электр подстанциясида

● Олмалиқ электр подстанциясида қўшимча қувватлар қурилиши тугалланди. Натижада станция Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг бирлашган энергетика системаси занжирига уланди. Станция қувватининг икки баравар ошганлиги Ўзбекистон рангли металлургиясини янада ривожлантириш имконини беради.

Суратларда (чапда): электр подстанцияни бошқариш бош щити. Ўнгда станциянинг ҳаво включатели.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Социалистик мусобақа заминида миллионларнинг қудратли кучи ётади. Мусобақа қаерда пухта ташкил этилган, унга раҳбарлик яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда муваффақият кетидан муваффақият қозонилади, ютуқлар баракали бўлади. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги кўпчилик бинокорлик ташкилотлари маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари мусобақани ҳартомонлама кенг авж олдириш, унинг ҳақиқатан ҳам оммавийлигини таъминлашга катта эътибор бермоқдалар. Бунинг эса, самараси кўпгилдагидек бўляпти. Давлат планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Қурилиш сифати яхшиланиб, суръати ошмоқда, харажатлари эса, камаймоқда.

Айниқса, 159-қурилиш трести коллективининг эришаётган галабалари тақдирга сазовордир. Трест бошқармалари ва участкаларида социалистик мусобақа ва унинг ажралмас қисми бўлган коммунистик меҳнат учун кураш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли шу йилнинг саккиз ойлик плани анча ортиги билан адо этилди. Пландагидан ташқари 600 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Тиклаш ишлари бошқармаси коллективи ҳам давлат планларини муваффақиятли адо этмоқда. Бошқарма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу йилнинг саккиз ойлик ичида топшириққа қўшимча 200 минг сўмликдан кўпроқ ишларни бажаришди. 2-«Таштрансспецстрой», 1- ва 2-«Строймеханизация» трестлари ҳам саккиз ойлик топшириқни муддатидан анча илгари адо этди.

Шаҳарда уй-жой қурилиши бўйича белгиланган топшириқ анча зиёдаси билан бажарилянти. Шу йилнинг саккиз ойида тошкентликларга 257 минг квадрат метрдан кўпроқ уй қуриб берилди. Бу уйларда зилзиладан зарар кўрган юзлаб ҳамшаҳарларимиз ҳовли тўйлари ўтказишди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган, касаба союз комитетлари ўз фаолиятининг бу муҳим участкасига расмиятчилик учунгина эмас, балки конкрет раҳбарлик қилаётган, унинг натижаларини чуқур текшириб бораётган, ҳаммага етказаётган бўлса, ўша ерда қурилиш ишлари яхши бормоқда.

Масалан, 159-қурилиш трестининг бирлашган қурилиш комитети (раиси ўртоқ Р. Салимов) социалистик мусобақани кенгайтириш юзасидан тинмай ташкилий ишлар олиб боряпти. Бу ерда ҳар бир бинокор, ҳар бир бригада, объект, участка ва бошқарма коллективи мусобақага жалб қилинган. Ишчилар йиғилишлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг мажлислари баланд руҳ билан ўтмоқда, уларда коллектив ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим масалалар муттасил муҳокама қилиб борилди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг конкрет тадбирлари белгиланади. Трест бошқармалари бунёд этаётган объектларда бригадалар, участкалар ҳар декада, ҳар ойдаги иш натижаларини якунлаб туришади. Сўнгра кўрсаткичлар тахтасида акс эттирилади.

Трест бирлашган касаба союз комитети мусобақани авж олдиришда кўргазмали агитация воситалари — плакатлар, шиорлардан кенг фойдаланади, бригадалар, участкалар ва бошқармалар ўртасида ўзаро текширувларни ташкил этиб туради. Бошқармалар касаба союз комитетлари мусобақа натижаларини доим якунлаб боришади. Шу билангина чекланиб қолмай, қурилиши кечикаётган объектларда ишни жадаллаштириш чораси кўрилади, илғор ишчилар ва бригадалар тажрибасини оммалаштириш тавсия этилади. Шунинг учун ҳам трест бинокорларининг меҳнати баракали бўлмоқда. Мавжуд 6 та бошқарманинг 5 таси давлат планинигина бажариб қолмай, зиммадаги социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли адо этмоқда.

7—8-қурилиш трестлари, 2-«Строймеханизация» трести, ўй-созлик комбинати, 153-қурилиш трестининг 1-бошқармаси, 9-қурилиш трестининг 50-бошқармаси касаба союз ташкилотлари ҳам социалистик мусобақани ташкил этишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Тошкентни қайта тиклаш ишида иштирок этаётган қатор қардош республикалар бинокорлари коллективларининг ҳам социалистик мусобақани ташкил этишдаги тажрибалари ўринли олса арзигудек. Бу ердаги Бутуниттифоқ қурилиш майдонида жуда кўп илғор тажриба мактаблари бор. Қардош республикалардан келган бинокорлар ҳозиргача 410 минг квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой майдонига пойдевор ётқизишдилар, планга мувофиқ эса у 390 минг квадрат метрни ташкил этиши керак эди. Шуниси мақтовга сазоворки, барча коллективлар завқшавқ билан унумли меҳнат қилишмоқда. Украина ва Қозоғистон бинокорлари нормадаги тўқ-қиз ой ўрнига ярим йил бўлмасданоқ айрим кўпқаватли уйларни қўлдан чиқардилар.

Шу муносабат билан украиналик бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қандай ташкил этилганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз. Қурилиш-монтаж поездлари коллективлари дастлабки кунларданоқ тошкентликларга иложи борича барвақт уйлар қуриб бериш мақсадида курашни авж олдириб юбордилар. Мусобақада Домбасс-Луганск ва Донецк қурилиш-монтаж поездлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар социалистик мусобақа натижаларини ҳар ойда якунлайдилар. Мусобақа ғолиблари учун кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар беришади. Украиналик бинокорлар ишлаётган қурилиш майдонига борган ҳар бир киши бу ерда социалистик мусобақа яхши ташкил этилганлиги, унга пухта раҳбарлик қилинаётганлигига тўла қаноат ҳосил қилади. Ҳатто ҳар бир бинокор бир соат ичида норманинг қанча қисмини бажарганлигини, сменадаги иши қандай якунланганлигини дарҳол билиб олади.

Лекин социалистик мусобақани авж олдиришга яхши эътибор берилмаётган қурилиш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати корхоналари шаҳарда жуда кўп. Шунинг учун ҳам улар асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларни бажаришнинг уддасидан чиқолмаётир. Шуни айтиш кифояки, «Главташкентстрой»нинг қурилиш-монтаж ва ихтисослашган трестларининг 12 таси шу йилнинг саккиз ойлик планини адо этмади. Қурилишга деярлик 18 миллион дона кам ғишт етказиб берилди. Бундай аҳволнинг содир бўлишида бирлашган қурилиш ва завод касаба союз комитетларининг ҳам айби бор.

3-қурилиш трести (бошқарувчиси Л. Пинман) бирлашган қурилиш касаба союз комитетининг раиси И. Лебедев ўртоқлар) сурункасига давлат планини бажармаяпти. Мавжуд 6 та бошқармаининг тўрттаси саккиз ойлик иш якунлари бўйича давлатдан қарз бўлиб қолди. Трест бошқармалари, участка ва бригадаларида социалистик мусобақанинг пухта ташкил этилмаганлиги, коммунистик меҳнат тантанаси учун курашга раҳбарликнинг талаб даражасида бўлмаслиги туфайли шундай камчилик содир бўлмоқда.

Қурилиш бошқармаларидаги доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг фаолияти талаб даражасида эмас. Кенгашлар ҳатто уч ойлаб ўтказилмайди. Ваҳоланки, қурилишнинг ҳал қилиниши лозим бўлган масалалари тўлиб-тошиб ётибди бу ерда. Объектларда меҳнат яхши ташкил этилмаган, таъминотнинг ёмонлиги туфайли бинокорлар иш вақтининг маълум қисми фойдасиз ўтмоқда. Нарядлар ўз вақтида тузиб берилмайди. Мусобақа натижаларини оммалаштириш, илғорлар тажрибасини ёйиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маъмурият ва касаба союз комитетлари кўргазмали агитацияга етарли эътибор бермаяптилар, кўрсаткич тахталарига бинокорларнинг иш якунлари вақтиваҳти билан ёзиб борилмайди.

4-қурилиш трести (бошқарувчиси Е. Кириенко, бирлашган қурилиш комитети раиси М. Кутоманов ўртоқлар) бошқармаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Трест ва унга қарашли барча қурилиш бошқармалари шу йилнинг саккиз ойлик топшириғини бажармади. Бошқармаларда социалистик мусобақа, айниқса, бригадалар ва участкалар ўртасида расмиятчилик учунгина йўлга қўйилган. Шу туфайли ҳам меҳнат унумдорлиги паст бўляпти, бинокорлар кўп ҳолларда нима қилишларини билишмаяпти. Бунинг устига қурилиш сифати кўнгилдагидек эмас, меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Ишчи кучи кўнимсизлиги камаймаяпти. Касаба союз комитетлари қурилиш ва бинокорларнинг маданий-маиший турмушини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни эътибордан четда қолдирмоқдалар. Доимий ишлаб чиқариш кенгашлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этмаётирлар. Жамоат ишининг касаба союз йиғилиши, ўртоқлик суди, иқтисодий анализ бюролари сингари ва бошқа формаларидан деярлик фойдаланишмаяпти.

«Главташкентстрой»га қарашли 5, 6, 8, 9, 10, 153-қурилиш трестларида, 1 ва 5-ғишт заводлари бошқармаларида ҳам социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун кураш лозим даражада авж олдиримаган. Узаро беллашаётган трестлар, бошқармалар, участкалар, бригадалар ва корхоналар ўртасидаги мусобақа натижалари текшириб турилмайди ва якунланмайди.

Тошкентлик бинокорлар зиммасига жуда катта ва масъуллятли вазифа юклатилган. Улар зилзиладан зарар кўрган жонажон шаҳримизни қайта тиклашга қолмай, айни вақтда унинг қиёфасини янада гўзаллаштириш, кўркамлаштириш ишларини амалга оширишлари керак. Ҳам тез, ҳам соз ишлашлари даркор. Шароит шуни тақозо қиляпти. Бунга эришиш учун эса аввало ҳамма жойда ютуқлар гарови ҳисобланган социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун курашни кенг авж олдириш, унга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш зарур. ВЦСПС Президиумининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш ҳақида»ги қарорига тўла амал қилиш керак ҳамма ерда. Унда касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун ҳаракатни ташкил этишдаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳар бир коллектив куч-ғайратини қурилиш-монтаж ишлари топширигини тўла ва ошириб бажариш, сифатини яхшилашга, сафарбар этиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, бинокорлар меҳнатини енгиллаштириш, унинг механизация даражасини ошириш учун кураш—касаба союз ташкилотларининг муҳим бурчидир. Ана шу бурчнинг тўла уддасидан чиқайлик.

И. ЗАБИРОВ,
қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

МУКОФОТ МУБОРАК *)

Мамлакат энергетикасини ривожлантириш етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 4 октябрдаги Фармонига мувофиқ СССР энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли корхона ва ташкилотлар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан катта бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шу жумладан:

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Копитов Вениамин Матвеевич — «Ўзбекгидроэнергострой» трести ихтисослашган ишлар бошқармасининг слесарь-монтажчиси.

Кочетков Виктор Михайлович — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги ихтисослашган ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг директори.

Кубанова Нина Алексеевна — «Энергосетьпроект» институти Ўрта Осиё бўлими лойиҳа бош инженери.

Куллсов Виталий Дмитриевич — «Ўзбекгидроэнергострой» трести механизациялашган бошқармаси слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Куманов Александр Сергеевич — Оржоникидзе ГЭС каскади старший мастери.

Лебедова Елена Васильевна — «Ўзбекгидроэнергострой» трести «Промэнергострой» бошқармасининг суводчиси.

Матиёзов Қўчқор — «Ўзбекгидроэнергострой» трести разрез қурилиш бошқармаси арматурачилар бригадасининг бошлиғи.

Надаров Иван Васильевич — «Гидроспецстрой» трести Ўзбекистон бошқармасининг проходкачиси.

Пеньков Евгений Петрович — Тошкент электр тармоқлари электр монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Подречнев Александр Александрович — «Гидроспецстрой» трести Ўзбекистон бошқармаси бош инженерининг ўринбосари.

Ройтман Мендель—Шмей Берович — «Гидропроект» институти Ўрта Осиё бўлими бош инженерининг ўринбосари.

Селиванович Николай Иванович — «Средазэнергомонтаж» трести Тошкент участкасининг бош механиги.

Соснин Николай Иванович — «Средазэнергомонтаж» трести Тошкент участкасининг мастери.

Султонов Юсуп — Товоқсой ГЭСи гидротурбина машинисти.

Сюткин Андрей Иванович — «Ўзбекгидроэнергострой» трести ускуналар ва таъминот марказий базасининг мастери.

Терешченко Василий Антонович — «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи.

Туҳватуллин Ҳабибулла Губайдуллаевич — «Ўзбекгидроэнергострой» трести «Энергосантехмонтаж» бошқармаси слесарь-монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Успенский Николай Викторович — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги Бош бошқармасининг бошлиғи.

Федорова Александра Владимировна — «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармасининг мотористка-си.

Шерметов Ҳусан — Тошкент электр тармоқлари Чирчиқ районининг старший мастери.

Шчукин Петр Дмитриевич — «Ўзбекгидроэнергострой» трести автотранспорт конторасининг шофери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аблакимов Менон — «Ўзбекгидроэнергострой» трести «Энергосантехмонтаж» участкаси слесарь-монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Одилов Қодир — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим инструктори.

Аъзамов Мурот — «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси бетончиси.

Анисимов Василий Фёдорович — «Средазэлектросетьстрой» трести комбинатининг старший мастери.

Вепринцев Анатолий Владимирович — «Ўзбекгидроэнергострой» трести ихтисослашган ишлар бошқармаси слесарь-монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Головчанский Дмитрий Васильевич — «Ўзбекгидроэнергострой» трести автотранспорт конторасининг шофери.

Дебелой Дмитрий Васильевич — «Ўзсельэлектростройи» трести механика устахонасининг темирчиси.

Жигарев Дмитрий Александрович — «Гидропроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг лойиҳа бош инженери.

(Давоми бор)

* (Давоми. Боши газетанинг 14 октябрь сонида).



Олмалиқ шаҳри тобора яшнаб, ҳуснига-ҳусн қўшилиб бормоқда. Қурилиб, кетма-кет фойдаланишга топширилаётган кўркам бинолар шаҳар чиройини очмоқда. Суратда: шаҳарда очилган янги маиший комбинат биноси.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

НЕФТДАН НУР

Нефть нур сочиш қобилиятига эга бўлган моддалар — люминофорлар олиш манбаи бўлиб қолди.

Грузия Фанлар академиясининг физика-органик химия институти да «қора олтиндан» биринчи марта люминофорлар олинди. Олимлар нефть ва мойларда нурланиш алоҳида нўп ядроли органик бирикмалар — нефтнинг табиий компонентларида ҳосил бўлишини аниқладилар. Бундай компонентларнинг мавжудлиги шу вақтгача маълум эмас эди.

Грузин химиклари маҳаллий — Норий нефтидан нурланадиган моддалар олиш технологиясини ҳам ишлаб чиқдилар. Улар бу моддаларга «Нориол-А» ва «Нориол-Б» деган ном беришди. Бу моддалар машина ва конструкцияларнинг металлдан ишланган энг муҳим деталларидаги кўзга кўринмас нуқсонларни аниқлашга ёрдам беради.

АВТОМАТ ЛИФТЛАР

Могилевдаги «Строммашина» заводи ярим тоннали автомат лифтлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу лифтлар 16—17 қаватли тураржой бинолари учун мўлжалланган. Янги лифт кенг набинага эга бўлиб, унда ҳатто йирик габаритли мебелларни ҳам юқорига кўтариш мумкин.

Бу йил машинасозлар 34 та ана шундай лифт тайёрлайдилар.

ТЕЗКОР АВТОМАТЛАР

Москвадаги Серго Оржоникидзе номли станкозлик заводида яратилган «1240—0» маркали токарлик автоматининг иш унуми жуда юқори. Бу автомат ҳар икки секундда тўрттадан деталь тайёрлаб, бешта универсал токарлик станогининг ўрнини босади.

Янги станокларни созлаш жуда осон бўлиб, фойдаланиш учун қулай ва тежамлидир. Улар машинасозлик заводларидаги тайёрлаш цехларида кенг қўлланилади.

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

16-КВАРТАЛДА

Дружба проспектидан икки нуроний кекса секин-аста кетишар, нималар ҳаннда гапиришарди. Биз уларнинг ширин суҳбатларини бўлиб сўрадик:

— 16-квартал қаерда, билмайсизларми, отахонлар!

Уларнинг бири — кенг яғринли киши.

— Ўғлим, 16-квартал бу ердан узоқ эмас, — деди. Кейин у қўлидаги ҳассасини кун ботишга найза қилиб, шу томонга бироз юрсангиз айтган жойингизга етасиз деди.

— Яхшиси биз билан борақолинглар. Ўша ерда истиқомат қиламиз.

Кексалар билан суҳбатлашиб манзилимизга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Нуроний ота суҳбат давомида бошидан кечирганлари ҳақида гапириб берди.

— Ёшлигим Қашқар маҳалласида ўтган. Зилзиладан эски уйимиз қаттиқ шикастланди. Яшашга ноқулай бўлиб қолди. Ҳукуматимиз барака топкур, пешонамизни силади. Янги уй беришди бизга. Шу уйларга кўчиб ўтдик. Маҳалламиздагиларнинг кўпчилиги шу ерга кўчиб келишди. Бир неча ҳафтадан бери кўпқаватли бинолларда яшаяпмиз. Қурувчиларнинг қўллари дард кўрмасин. Тез ва ҳалол ишлашипти.

Ўтган йиллари бу атроф бўм-бўш эди. Зилзиладан кейин қурилиш ишлари авж олди. Тошкентлик бинокорлар бу ерда икки сменада ишлашди. Мана қаранг, ҳозир шу секторда қурилиб битказилган уйлар 22 тадан ошиб кетибди. Салкам тўрт ой ичида қурувчилар бинойидек шаҳарчани бунёдга келтиришди. Унинг чегаралари серқатнов «Победа» проспектидан то Қатортол кўчасигача боради. Ҳозир бу ерда бир неча минг киши яшаяпти. Тўрт қаватли мактаб бинои ҳам тез қўлдан чиқарилди. Синфхоналарнинг биридан-бири кўркам, озода. Уқишдан кейин эса болалар шу мактаб ҳовлисини гулзор қилишяпти.

Бу ҳаммаси эмас. Ҳов анави бинода дорихона очилди, бир бинонинг пастки қаватида озиқ-овқат магазини ишга туширилди. 10-касалхонанинг филиали ҳам шу ерда.

Биз 16-квартал кўчаларини кездик. Майдончалар, ҳовлиларда гулзорлар пайдо бўлибди. Болаларни айтмайсизми! Янги жойга дарҳол ўрганиб олишибди. Қувноқ овозлари, шўх кулгилари теварак-атрофга ўзгача файз киритган.

16-квартал ёнидаги 17-секторда ҳам қурилиш авжида. Кранчи ва шофер, монтажчи ва сувоқчи — қўйингчи, барча бинокорлар кўлни-кўлга бериб ишлаяпти. Зилзиладан зарар кўрган аҳолига тезроқ уй-жой, маданий-маиший бинолар қуриб бериш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти.

Яна бир неча ҳафта ўтади. Бу ерда неча ўнлаб оилалар уй тўйлари ўтказишади. Бу тўйлар байрам шодиёнасига айланиб кетади.

М. ҒОЗИЕВ.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

«Ўзбексельмаш» заводининг рационализаторлари бу йил анчагина техника янгиликлари ихтиро қилиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Тўққиз ой ичида 158 рационализаторлик таклифини амалга ошириб, корхона 154 минг сўмдан кўпроқ самара олди.

Шунисқ диққатга сазоворки, янгилик изловчиларнинг жуда кўп таклифлари хомашё ва қимматли материалларни кўплаб иқтисод қилишга қаратилган. Масалан, завод рационализаторлари Р. С. Агулова, В. Х. Стамокостос ўртоқларнинг таклифларини олиб кўрайлик. Улар УПХ—1,5Б универсал пахта тозалаш машинасининг деталларини тайёрлашда металлдан оқилона фойдаланиш тўғрисида таклиф киритдилар. Натижада 66 тонна металл тежаб қолинди.

Тўкилган пахтани териш машинасининг айрим деталларини тайёрлашда ҳам анчагина металл иқтисод қилиб қолиняпти. Бунга эса рационализаторлар Е. И. Дубин ва М. Г. Пономаревларнинг таклифи амалга оширилганидан сўнг эришилди.

Йил охиригача 206 таклифни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиб, 170 минг сўмлик иқтисодий самара олиш — завод рационализаторларининг аҳди ана шу.

И. ЗАЛЕВСКИЙ.

ЛОЙИҲАДАГИ ДАРАЖАГА ЭРИШИЛДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатини реконструкция қилиш тугалланди. Пойтахт бинокорлари ва тўқимачиларининг умумий куч-ғайрати билан учинчи йигирув фабрикасида янги участка қурилди ва серупум ускуна ўрнатилди. Бу ерда қўшин «Таштекстильмаш» заводида тайёрланган «П—66—5М2» маркали машиналар монтаж қилинди. Бу машиналарда 1800 та урчиқ бўлиб, улар яхши чўзадиган аппаратлар туфайли энг ингичка тандa бера олади.

Эндиликда янги участка монтаж қилиниши билан мамлакатдаги энг йирик тўқимачилик корхонаси ҳар куни ўнлаб тонна пахта толасидан танда тайёрлайдиган 336762 мингта «механик йигирувчи»га эга. Йигирув машиналарини ярим фабрикатлар билан етарли миқдорда таъминлаш учун комбинатда тайёрлайдиган бўлимларнинг қуввати оширилмоқда.

ЁРДАМЧИЛАР

Чирчиқдаги «Ғунча» фабрикасининг 60 га яқин ишчиси шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз далаларида пахтакорларга ёрдам беришаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 80—100 килограммдан «оқ олтин» термоқда. Аня Мустафоева, Умри Имонқулова, Жамила Бекмуротова, Абдурасул Абдуллаев сингари фабрика ишчиларининг кунлик терган пахтаси эса 120—130 килограммдан ошади.

П. ТОЖИЕВ.

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ

Яқинда корхонамиз территориясида янги бир корпус қад кўтарди. У қурилиш учун ниҳоятда зарур бўлган дросселлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Янги цехга янги ускуналар монтаж қилинаётган пайтда заводимиз инженери Муҳаммаджон Маҳкамов Москва ва Ригага командировкага жўнаб кетди. Марказий шаҳарлардаги корхоналарда дроссель ишлаб чиқариш технологияси билан танишди.

Ёш инженер командировкадан қайтгач, ўз таассуротларини ишчилар билан ўртоқлашди. Электр сими ўровчилари Нина Ситникова, Нина Рошкова ва бошқаларни ёнига олиб дроссель ишлаб чиқариш технологиясини тушунтирди. Ҳадемай улар бу операцияни пухта ўрганиб сўнг Ҳайри Ҳасанова, Минаввар Домлажонова каби ёшларга ҳам янги технологияни ўргатишди.

Ҳозир янги цехга ўрнатилган агрегатлар жадал суръатлар билан ишлаб турибди. Ўрта Осиёда биринчи ҳисобланган бу цех дастлабки 2—УБИ маркали дроссель агрегатлари ишлаб чиқаришга киришди. Сентябрь ойида 19 минг дона дроссель қурилишларга томон жўнатилди. Ҳозир заводимиз турли ташкилотлардан кўплаб заказлар олиб турибди. Заказларга биноан биз октябрь ойида 20 мингта дроссель тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Бу бизнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 49 йиллиги байрамига қилган совғамиз бўлади.

У. ХИДИРОВ,
«Ташэлектромаш» заводининг слесарь-йиғувчиси.

ТОШКЕНТЛИК ҲАШАРЧИЛАР СИРДАРЁДА

БИР ТАН, БИР ЖОНМИЗ

Қадим чўлларни ўзлаштириб, совхоз ташкил этилганига эндигина тўрт йил бўлди. Шу қисқа давр ичида гуркираб яшнаган қишлоқлар файзига-файз қўшилди. Бир текис саф тортган турар-жой бинолари қад кўтарди. Боғ-роғлар бунёд этилди. Ҳар бир хонадонда Ильич нурлари порлаяпти.

Азамат деҳқонлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари эвазига ана шундай ютуқларни қўлга киритдилар. Пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, ҳосилдорлик кўтарилаяпти. Шу йилнинг ўзида 7 минг гектар ерга чигит экилди. Тадбиркорлик, миришкорлик билан иш юритилди. Натижада барча майдонларда мўлжалдагидек ҳосил етиштирилди.

Шу кеча-кундузда совхоз пахта далаларини айланган кишининг баҳри-дили очилади. Каттадан кичикнинг ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, теримда жонбозлик кўрсатишаяпти. Пешона тери билан етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай эртароқ йиғиб-териб олиш йўлида астойдил кураш кетяпти.

Ватанимиз бойлиги «оқ олтин»имиз учун ҳамма бир жон, бир тан бўлиб тер тўкаётган кунларда биз шаҳарликлар бир четда қўл қовуштириб тураолмаймиз.

Ана шу ният, ана шу туйғу билан мана бир неча ҳафтадирки, пахта далаларида ғайрат билан меҳнат қилаётган 7-сонли «Правда» совхози ишчилари сафидамиз. Умумхалқ курашида актив иштирок этмоқдамиз.

Бу совхозда институтимизнинг 2,5 мингга яқин студенти пахта теряпти. Шу катта куч билан кунига 150—160 тонна пахта терилиб, совхоз меҳнаткашларига мадад берилмоқда. Коллективимизнинг ҳозиргача эл хирмонига тўккан пахтаси уч минг тоннадан ошиб кетди. Бу совхоз йиллик планининг қарийб 40 процентини ташкил қилади.

Ўзаро социалистик мусобақада институтимизнинг тарихфилология факультети студентлари пешқадамлик қилмоқдалар. Шу факультетнинг 300 студенти бири-биридан қолишмайди. Ўрта ҳисобда ҳар бири 100—120 килограммданга етказиб пахта теряпти.

Совхоз ишчилари студентларимиздан Муборак Усмонова, Қумри Рустамова, Шерали Мандиевларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишади. Ўтган йили ҳам кунига 150—200 килограммданга етказган, мавсум охиригача хирмонга 5—6 тоннадан «оқ олтин» тўккан бу меҳнатсевар ёшлар бу йил ҳам авангард бўлмоқдалар. Улар тарих-филология факультетининг фахри ҳисобланадилар.

География факультетининг студентларидан Мамлакат Набиева, Қундуз Азимжонова, Карима Эргашева каби чеварлар ҳам ўз дўстларидан орқада қолаётганлари йўқ. Бика Қўчқорова эса кунига 300 килограммдан пахта териб, совхозда донг таратди.

Студентлар орасида меҳнат намунали ташкил этилган. Ўқитувчилар бошлиқ 27 бригаданинг ҳаммасида ҳам сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу бригадалар ўртасида мусобақа кенг қулоч ёйдирилган. Ҳар ҳафтада бригадаларнинг терган пахтаси якунланади. Мусобақада ғолиб чиққан бригадалар совхоз маъмурияти томонидан рағбатлантирилади. Яқинда тарих-филология факультетининг студентларига 100 сўм пул мукофоти билан кўчма Қизил байроқ берилди. Педагогика факультетининг студентлари иккинчи даражали мукофот олишга эришдилар. Уларга ҳам кўчма Қизил байроқ билан бирга 75 сўм пул мукофоти топширилди.

Студентлар ва ўқитувчилар коллективи ўзларининг «зангори кема» капитанлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Студентлардан Темир Алиев, Махманазаров, Нурматовлар техника тилини пухта ўрганиб олиб, кунига агрегатлари бункерларидан тонналаб пахта тўкмоқдалар.

Совхоз маъмурияти студентларимизнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитларни яратиб берганлар. Ўз навбатида институт маъмурияти ҳам бу соҳада совхозга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Улар кундалик газета ва журналларнинг янги сонлари билан студентларни, совхоз ишчиларини таништириб борадилар. «Хушчақчақ ва топғонлар» клуби ишлаб турипти. Ҳаваскорлар тўғараги қатнашчиларининг концертлари кўрсатиляпти, турли хил темаларда қизиқарли кеча ва лекциялар уюштирилмоқда.

Сирдарё области пахтакорлари ҳам тобора маррага яқинлашмоқдалар. Биз улар билан теримда бир тану, бир жонмиз. Институтимиз студентлари ва ўқитувчилар коллективи катта зафар кунини яқинлаштириш учун олиб борилаётган курашда бир сафда дадил қадам ташлайдилар.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори, профессор.

ЧЎЛҚУВАРЛАР МАДАДКОРИ

Оқшом қуюлаётган пайт. Олтин кузнинг муздек шабадаси юз-кўлларни сийпалаб ўтади. Нақадар беғубор пахтазор ҳавоси. Пайкалларга назар ташлаганингда баҳри-дилинг очилиб кетади. Бу ердаги қайноқ ҳаёт, жўшқин меҳнат битмас-туганмас завқ бағишлайди. Сонсиз-саноқсиз чаноқлардан қайнаб-тошган «оқ олтин» нуқралари кўзларингни қувонтиради.

Оқшом кириб келаётган бўлса ҳам шу қадрдон далалар қўйнидан ҳеч кимнинг жилгиси келмайди. Чаноқларга чаққон қўл ураётган йигит-қизларнинг шўх кўшиқлари ҳамон авжида. Иккинчи томонда «зангори кема»лар бетиним гуриллаяпти. Ана шу қудратли агрегатларни моҳирлик билан бошқараётган пахтазор капитанлари хирмонга тобора кўпроқ барака киритишяпти.

Шу қадер ғайрат-шижоат кўрсатиб, пахта ишқида юраги ёнаётганлар кимлар? Улар мададкорлар, астойдил бел боғлаб, пешона тангиб, енг шимариб Тошкентдан чўлқуварлар сафига отланган студентлар. Йигитлар пахта бойлигимиз, миллий ифтиҳоримиз эканлигини, тинчлигимиз, тўқлигимиз эканлигини ўз қалбларида чуқур ҳис этадилар. Улар шу туйғу билан «зангори кема»лар тилини ўрганиб олишди. Мана, кўриб турибсизки, улар энди тажрибакор механик-ҳайдовчилардан қолишмай пахтазорларда бемалол ишлашяпти.

Биз ана шу томонга йўл олдик. Уларнинг ишига ҳавас билан разм солдик. Чакки эмас. Агрегат шпинделлари соз ишлаб «оқ олтин» нуқраларини пешма-пеш дамига тортаяпти, бункерлар зарга тўлаяпти.

Орадан кўп ўтгани йўқ. Сафнинг олдида келаётган «зангори кема»лардан бири пайкал четидаги прицеп ёнига келиб тўхтадида, ҳайдовчи бункер тўла пахтани чаққонлик билан унга ағдарди. Шу фурсатдан фойдаланиб, абжир йигитни бироз гапга тутдик.

Дилкаш йигит экан, бизга ўзи, ўртоқлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Биз беш кишимиз, — деди Ш. Султонов, — дастлабки кунларда бироз қийналишга тўғри келди. Совхознинг моҳир механизаторлари билмаганларимизни ўргатишди. Мана, энди бинойидек бўлиб қолдик. Кунига 2,5—3 тоннадан пахта терган кунларимиз ҳам бўлди. Ҳозир ҳам суръатни бўшаштираётганимиз йўқ. «Пўлат от»ларимизга вақт ғаниматлигида қамчи босяпмиз.

Студент Ш. Султоновнинг айтишича, дўстлари С. Саитбой, И. Чубковлар машина терими жуда эгаллашибди. Чинакам механизаторлардан қолишмас экан улар. Ҳозиргача ҳар бири 35—40 тоннадан пахта терибди.

Биз студент — механик-ҳайдовчиларнинг бу олий ҳимматларидан, ватанпарварлик ташаббусларидан мамнун бўлдик. Суҳбатдошимиз билан хайрлашар эканмиз, унга, ўртоқларига катта курашда муваффақиятлар тиладик. Ш. Султонов ҳам агрегат рулига чаққон ўтирди. «зангори кема»яна пахтазор қўйнига шўнғиди.

Хирмонга етиб келганимизда ҳали ҳам ўша пайкалда машиналарнинг овози эшитиларди. Пайкалларда ўткир шуъла кўзга ташланарди. Бу агрегатларнинг тунда ҳам жавлон уришидан дарак бераради. Хирмонда эса, этак-этак «оқ олтин» келтирган йигит-қизлар, торозибоннинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар ким ўзининг бугунги иш натижасини билишга ошиқади. Ким олдинда, ким бугун орқада қолди? Ана шуни билгилари келарди.

Мана, география факультетининг студентлари Отақўзи Хушвақтов, Алижон Тошпўлатов, Аҳмадқул Абдуллаевлар бир-бирларини қутлашяпти. Булар ҳар кунгидай бугун ҳам пешқадамлик қилишибди. Ҳар бирининг эл хирмонига топширган пахтаси 200—220 килограммданга тўғри келибди. Кўриб, эшитиб хурсанд бўламиз. Қандингни ур, азаматлар деймиз беихтиёр.

Тарих факультетининг студентларидан Б. Мирзаев, Ш. Холмуҳамедов, Қ. Мухамедов, юридик факультетдан Э. Аҳадов, И. Ҳайитов, А. Маҳбубов, филология факультетидан Р. Бобожонова, Д. Раҳимовлар ҳам бирин-кетин торозига қанор қўйишади. Чакки эмас, 180—200 килограммдан.

Торозибон жамлаб чиқади, Ҳамманинг иш натижасидан мамнун бўлади. Кечагидан бир тонна яқин ортиқ терилибди. Мададкорларга ҳурмат билан боқади. Ҳар қайсисини табриклаб, қўлини қисгиси келади.

Пахта йиғим-теримида чўлқуварларга мадад бераётган йигит-қизлар орасида география ва тарих факультети студентлари пешқадамлик қилишяпти. Бу факультетларнинг меҳнатсеварлари совхоз ва университет томонидан таъсис этилган кўчма Қизил байроқни ўз қўлларида маҳкам сақлаб туришибди.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 3 мингдан зиёд йигит-қизлари шу кеча-кундузда Сирдарё областидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Ленин номли совхоз пахта далаларида совхоз ишчиларига мадад беришиб, йиғим-теримнинг барвақт тугалланиши, маррага эртароқ етиш йўлида олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшяптилар. Совхоз дирекцияси чўлқуварлар сафида бораётган ўтюракли ёшлар меҳнатидан мамнун бўлмоқда.

Студентлар ҳам ўз навбатида унумли ишлашлари учун ҳартомонлама яхши шароит яратиб берган чўлқуварлардан чексиз миннатдорлар.

Пахтакорлар билан шу долзарб кунларда елкама-елка туриб «оқ олтин» хирмонига барака киритаётган студент йигит-қизларга балли!

М. ИБРОҲИМОВ.

ҚАЛБИНГ ТЎЛҚИНЛАНАДИ

Мана, бир неча кундирки Сирдарё область, Ильич районининг 7-совхози, 7-бўлимида пахта теряпмиз. Бу ерларни илгари одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган дашту-биёбон деб таърифлашарди. Эндиликда Мирзачўл боғу-бўстонга айланганлигини билардим. Лекин ўз кўзим билан кўрмаган эдим. Ҳа, чўлни гул-гул яшнатаётган чўлқуварларнинг бўстонини ўз кўзинг билан кўрсанг бошқача бўлар экан.

Ҳақиқатан совхоз далаларида Мирзачўл деган сўздан асар ҳам қолмаган. Боғ-роғлар бунёд этилган. Социалистик қишлоқлар гуркираб яшнаяпти.

Биз студентларни совхоз кишилари жуда илиқ кутиб олишди. Улар ҳар жиҳатдан қулай ётоқхона ажратиб беришди. Ётоқхонага электр, радио, телевизор келтириб ўрнатилди. Ўқитувчиларимиз ҳамиша атрофимизда парвона. Улар ўз ўғил-қизларидек меҳрибонлик билан бизларни ардоқлашади.

Совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилган. Оппоқ очилган пахталарни завқ-шавқ билан терамиз. Ҳар биримиз кўпроқ пахта теришга интиламиз. Курсдошларимдан Ахмуродов, Изиитоев, Эшонқулов, Отабоев, Салимов, дугоналаримдан Шералиева, Нишонова кунига 150—160 килограммдан пахта териб, ҳаммамизнинг ҳурматимизга сазовор бўлишяпти. Мен ҳам улар қаторн пахта теряпман.

Институтимиздан 250 га яқин студент шу совхозда пахта теряпти. Ҳаммамиз қувноқ, хушчақчақ яшаяпмиз. Айниқса ишдан сўнг ёшлар давраси қурилади. Ўйин-кулги авжига чиқади. Бутун кунги ҳордиғимиз тарқалади. Биз ҳашарчиларга шунчалик оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатаётган институт ва совхоз раҳбарларидан миннатдормиз.

И. АБДУЛЛААЗИЗОВА,
Островский номидаги театр-рассомчилик институти актёрлик факультетининг 1-курс студенти.

Суратларда (чапдан): 1. Сирдарё областининг Герман Титов номли 6-совхозига хашарга чиққан Тошкент Давлат медицина институти студентлари педиатрия факультети ўқитувчиси ўртоқ Маҳмудов суҳбатини қизиқиб тинглашаяпти. 2. Шу факультетнинг теримда пешқадамлик қилаётган бир группа студентлари.

А. Тўраев фотолари.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Журналистлар халқаро конгресси қатнашчилари шарафига

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси В. Ульбрихт Журналистлар халқаро ташкилоти VI конгресси қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказди.

В. Ульбрихт ўзининг табрик нутқида бундай деди: «Биз сизларни яхши дўстларимиздек зўр хайрихоҳлик ва шодухуррамлик билан кутиб оламиз. Бизларни ягона бир мақсад, яъни империализмга қарши тинчлик учун кураш мақсади бирлаштиради».

Журналистлар халқаро ташкилотининг президенти Жан-Морис Эрман ўзининг жавоб нутқида Германия Демократик Республикаси тинчликнинг таянчидир, деб таъкидлади. Германия Демократик Республикасининг муваффақиятлари, деб уқтириб ўтди у, Германия Европада тинчлик ва хавфсизлик маркази бўлиб қоладиган пайт келади, деган ишончимизни оширади.

РАСК НУТҚИ

ВАШИНГТОН. 13 октябрь. (ТАСС). Давлат секретари Раск Америка армияси уюшмасининг ҳар йилги конференциясида кеча сўзга чиқиб, АҚШ ғўё «жаҳон жандарми бўлишга интилаётгани йўқ» деб даъво қилди. Лекин шунга қарамай, АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари Вашингтон «агрессияни тийиб туриш ёки унга зарба бериш» баҳонаси билан бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқига эга, деган гапни айтди.

Шу мақсадга эришмоқ учун Раск ўз тингловчиларини, яъни генераллар, офицерлар ва қурол-яроғ фабрикантларини «етарли куч ишлатишга» даъват қилди. У ўз тингловчиларини «максимал қувватни ишлатмангиз, чунки бу нарса термоядро можаросига олиб бориши мумкин бўлган хатарли йўлдир», дебгина огоҳлантириб ўтди. Раск фактларни инкор қилиб, Жанубий Вьетнам халқининг озодлик ҳаракати мамлакат аҳолисининг озчилик қисмигагина таянади, деб исботлашга уринди. У, Сайгон режимининг ўзи шу ҳаракатни бостириши мумкин эди, деб ишонтирмоқчи бўлди. Лекин АҚШ матбуотининг кун сайин ёзаётган хабарларига кўра, Сайгон режими Америка найзалари бўлмаганида бир неча ҳафта ҳам яшай олмаган бўлур эди.

Давлат секретари АҚШ Вьетнам проблемасини тинч бартараф этишни истайди, деб даъво қилди. Бу масала бартараф этилмаганлиги учун у айбни АҚШ зиммасидан соқит қилишга уринди.

ҚЎРИРЧОҚ ҲУКУМАТДА ЯНА ТАНГЛИК

ЛОНДОН. Жанубий Вьетнамда яна сиёсий танглик юз берди. Кабинетнинг граждан аъзоларидан етти киши хавфсизлик хизматининг бошлиғи ўзгартирилмаса истеъфо беражакларини айтдилар. Яқинда хавфсизлик хизмати бошлиғининг буйруғи билан соғлиқни сақлаш министрининг маслаҳатчиси оппозицион сиёсий фаолиятда гумон қилиниб қамоққа олинган эди. Соғлиқни сақлаш министри бунга норозилик билдириб, истеъфо берди. Унинг кетидан 7 министр хавфсизлик хизматининг бошлиғи ишдан бўшатилишини талаб қилиб, маршал Кига ультиматум бердилар.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Ки, мен ана шу министрлар истеъфосини қабул қилмайман, деган. Ки бундай дейишдан олдин министрларни «бирликни сақлаш учун» ўз лавозимларида қолишларини илтимос қилган эди.

ОБАФЕМИ АВОЛОВОНИНГ ЧАҚИРИҒИ

ЛАГОС. Нигериянинг машҳур сиёсий арбоби, Йоруба қабиласининг бошлиғи Обафеми Аволово Нигериянинг барча халқларига мурожаат қилиб, уларни мамлакат бирлигини ҳимоя қилиш учун курашга чақирди.

«Барча нигерияликлар, — деди Аволово, — қайси қабилага — хауса, ибо, эдо ёки йоруба қабиласига мансублигидан қатъий назар, бир-бирларини ҳурмат қилишлари, соғлом фикр юритишлари лозим ва мамлакат элатларининг тинч-тотув яшашлари учун курашишлари керак».

ЖИБУТИДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

ПАРИЖ. Франция Сомалисининг маъмурий марказида ана шу территорияга дарҳол мустақиллик берилиши тарафдорлари билан полиция ўртасида яна тўқнашувлар бўлиб ўтди. Полициячилар 20 кишини қамоққа олдилар.

НАТОНИНГ ШТАБИ ГОЛЛАНДИЯГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

ПАРИЖ. Франция Шимолий Атлантик иттифоқининг ҳарбий ташкилотидан чиқишга қарор берганлиги муносабати билан Парижда мажлис қилаётган НАТО кенгаши НАТОнинг Марказий Европадаги қуролли кучлари қўмондони штабини Фонтенблодан Брюнсюм ва Маастрихтга (Голландия) кўчиришга қарор қилди.

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЁПИЛДИ

ПХЕНЬЯН. (ТАСС). Бу ерда Корея Меҳнат партиясининг конференцияси ўз ишини тамомлади. Ўртоқ Ким Ир Сен конференцияда якунловчи нутқ сўзлади.

Корея Марказий Телеграф агентлигининг хабар беришича, конференцияда ўртоқ Ким Ир Сеннинг «Ҳозирги аҳвол ва партиямизнинг вазифалари» тўғрисидаги ва ўртоқ Ким Ирнинг «Социалистик экономикани қуришнинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладлари юзасидан бир овоздан резолюциялар қабул қилинди. Конференция Вьетнам масаласига доир баёнотни ҳам бир овоздан қабул қилди.

ТУРКИЯ — ПОКИСТОН АХБОРОТИ

КАРАЧИ. Халқаро самарали контроль остида ялпи ва батамом қуролсизланиш мустаҳкам тинчликнинг асосидир, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида қарор кабул қилиш зарур, бу — бутун дунёдаги тинчлик мафаатларига ва айниқса кичик мамлакатлар хавфсизлиги манфаатларига жавоб беради, — дейилади Туркия президенти Жавдат Сунай билан Покистон президенти Аюбхоннинг Покистонда олиб борган музокаралари тамом бўлиши муносабати билан ҳар иккала мамлакат президентлари имзолаган ахборотда.

Музокаралар вақтида президентлар умуман халқаро вазиятни ва, жумладан, Осиё мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши масалаларини муҳокама қилдилар. (ТАСС).

ЗИМБАБВЕ ХАЛҚИ КУРАШМОҚДА

ДОРУССАЛОМ. Зимбабведаги Африка халқи иттифоқи партияси отрядларида Жанубий Родезия озодлиги учун курашувчи жангчилар сентябрь ойида Смит режими қотиллари бўлинмалари билан бўлган жангларда ҳукумат қўшинларидан 80 га яқин солдатни қириб ташладилар. Зимбабведаги Африка халқи иттифоқи партиясининг расмий органи бўлган «Зимбабве ревью» журнали ана шу ҳақда хабар берди. Журналда Смит режими бўлиб ўтган ана шу жанглар тўғрисидаги барча маълумотларни сир сақламоқда, чет эл журналистларига ана шу жанглар тўғрисида маълумотлар юбориш ман этилган, дейилади.

Яқинда Чехословакиянинг Брно шаҳрида саккизинчи марта халқаро ярмарка очилади. Ўнминглаб экспонатлар виставка хоналаридан жой олмоқда.

Суратда: мотоцикл қисмларини ишлаб чиқарувчи, Чехословакияда ихтиро қилинган автомат ўрнатилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕФОН МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛЯПТИ

Ўша тонг даҳшати ҳали-ҳали телефонисткаларнинг кўзи олдида. Аппаратлар одатдагидек бир ритмда чақиллаб ишлаб турган эди. Тўсатдан катта корпус қалтираб кетди. Шип билан бўй талашиб турган абонент стативлари қайнади. Сигнал машинаси жавондан отилиб полга тушди. Чироқлар ўчди. Юқоридан алибастр синиқлари дўлдек ёғилди. Ҳамма ёқ чанг, тўзонга тўлди.

Сигнал машинаси полга отилиб тушган заҳотиёқ шаҳарда алоқа системалари ишлашдан тўхтаган эди. Дарҳол етиб келган техниклар энг олдин зудлик билан бу машинани ўрнатишга киришдилар. Орадан бир соат вақт ўтар-ўтмас агрегат ўз жойида пайдо бўлди. Телефонлар яна ишлай бошлади.

Афсуски, зилзила оқибати шу билан тугамаганди. У келтирган зарар беҳисоб эди.

Ўша кезлар алоқачилар иши чиндан ҳам бошларидан ошиб кетган эди. Лекин улар шошиб қолишмади, эсанкирашмади. Интизом ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатишди. Қисқа вақт ичида 16 километрлик ҳаво линияси кабель линиясига уланди. 4800 та счётга алмаштирилди. Жуда кўп шнур, 450 сигнал лампаси янгиланди. Кўчалардаги 57 та абонент тарқатиш шкафи капитал ремонтдан чиқарилди. Зилзила рўй берган кундан сўнг бир ой ўтар-ўтмас барча ташкилотлар, янги бинолларга кўчиб ўтган абонентлар ўз телефонларига эга бўлдилар. Шаҳарда алоқа системаси нормал изга тушиб қолди. Мана ҳозир 10 минг номерли учинчи автоматик телефон станцияси илгаригидек бир маромда ишлаб турибди.

— Шаҳримизда қўшимча станциялар қурилиши ва ускуналар монтажи ҳам жадал суръатлар билан олиб борилди, — дейди Тошкент телефон тармоқлари бошлиғи Х. Ғуломов. — Қисқа вақт ичида Киров ва Чилонзор районларида икки станция қад кўтарди.

Киров районидаги 8-АТС ишга тушганига ҳозир икки-уч кун бўлиб қолди. Янги станция 6000 абонентга хизмат қилади. Ҳозир справочное бюро ҳам шу ерга жойлашган. 14 та столнинг ҳаммаси тўла монтаж қилиб бўлинган. Р. Бобатиллаева, С. Мингалиева, Е. Коновалова каби коммунистик меҳнат зарбдорлари яна ҳамшаҳарлар хизматида. «09» га қўнғироқ қилсангиз, улар сизга истаган номерингизни топиб беришади. Бунинг учун 12,5 секунд кифоя телефонисткаларга.

Телефонингиз ишламай қолса, Б—8—11—11 ни чақиринг. Н. Ивкина доимо шу ерда сергак туради. Адресингизни оладию, ўнингизга монтёрларни юборади.

— Ҳойнаҳой «Б» ҳарфи қаердан пайдо бўлиб қолди, деб ўйларсиз, — изоҳ беради Х. Ғуломов. — Бундан буён Киров районидаги абонентларга қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, албатта энг олдин «Б» ҳарфини, сўнг бошқа рақамларни теринг. Янги станция шунга мослаб монтаж қилинган. Айрим ташкилотларнинг телефон номерлари ўзгарган ҳозир. Гунафша кўчасидаги ремонт-қурилиш бошқармасига бундан буён Б—8—09—15 орқали қўнғироқ қилинг. 5-ғишт заводлари бошқармаси билан гаплашмоқчи бўлсангиз Б—8—08—54, 93-автобазага эса Б—8—09—02 номерларини теринг.

Ҳозирги кунда Далазор, Гунафша, Войтинцев, Энгельс ва бошқа кўчаларга қўшимча абонентлар берилаяпти. Йил охиригача янгидан 2000 та телефон точкаси ўрнатиш мўлжалланяпти.

Чилонзор районида қад кўтарган 7-АТС 4000 абонентга хизмат қилади. Бундан буён Чилонзор районидаги абонентлар телефон номерлари олдига «Ж» ҳарфи қўшиб теришади. 15—16 октябрь кунлари 7-АТС ходимлари станция линияларини «Ж» ҳарфига улайдилар. Телефонлар шу кунлари вақтинча ишламай қолиши ҳам мумкин. Бунга абонентлар ҳайрон бўлиб юришмасин. 15—16 октябрь кунлари мабодо «Тез ёрдам» ёки ўт ўчириш командаси керак бўлиб қолса, фақат телефон автоматлар орқали уларни чақириш мумкин.

Истиқболни ўйлаб шундай реконструкция ишлари олиб бориляпти. Шаҳар телефон тармоқлари ишчилари, инженер-техник ходимлари пойтахтимизда бу йил жами 14 минг та янги номер ўрнатиб бериш мажбуриятини олишган. Бу ҳозиргача мавжуд бўлган точкаларнинг деярли ярмидир. Шу ниятда линиялар кун сайин кенгайтириляпти. Қўшимча станциялар ишга туширляпти, мавжудларининг қуввати оширляпти. Яқин келажакда Куйбишев район телефон номерлари яна 2000 тага кўпаяди. Мавжуд станция кенгайтирилгач, ҳар абонент олдига «Е» ҳарфи қўшиб теридиган бўлади. Ленин район телефон номерлари ҳам 10 мингтага етиб «А» ҳарфи билан бошланади. Ҳозир бу станцияларда ҳам ускуналар монтажи жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Яқин вақт ичида шаҳримиздаги ҳамма район ўз автоматик станцияларига эга бўлади. Телефон муаммоси ҳал бўлади.

— Иложи борича соз ишлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди суҳбатимиз охирида Х. Ғуломов, — лекин хизматимиздан норози бўлаётганлар ҳали ҳам бор. Камчиликлар тўлатўкис бартараф этилганча йўқ. Буни тан оламиз. Ишимизни оғирлаштиришда бинокорлар ҳам озми-кўпми «ҳисса» қўшишяпти. Улар кўп ҳолларда ҳеч кимдан сўрамайнетмай телефон симларини шартта-шартта узиб ташлайдилар. Ер ковлаш пайтида кабеллар уёқ-буёққа қўзғатилиб толалари чалкаштирилаяпти. Соч толасидек ингичка симларни жуфт-жуфти билан топиб улашнинг ўзи бўладими кейин. Бинокорлар қурилиш ва ремонт давомида эҳтиётроқ бўлиб ишлашса ишимиз анча енгил кўчарди.

Эътироз тўғри. Телефон системаси ғоятда мураккабдир. Хиёл силкиниш ҳам аппаратлар ишини нормал изидан чиқаради. Кабеллар сурилса линия узилади. Шунинг учун ҳам айниқса «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари бинокорлари буни эсдан чиқармасликлари керак.

Ж. НОСИРОВ.

Суратларда (ўнгда): 8-АТС техники Флора Шарипова янги монтаж қилинган абонент стативларини кўздан кечираяпти. (Чапда): Ҳар суткада 5 минг абонентга хизмат қилаётган справочное бюро телефонисткалари иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОБУНА БЎЛМОҚДАЛАР

Угамдаги 14-богдорчилик совхози ишчи ва хизматчилари уюшқоқлик билан газета ва журналларга обуна бўлмоқдалар. Бу ерда газета ва журнал олмаган бирор хонадон қолмасин, деган шиор ўртага ташланган. Бу йил ҳам «Правда», «Известия», «Совет Узбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, «Муштум», «Партия турмуши» ва бошқа журналларга қўшлаб кишилар ёзилмоқда. Айниқса иккинчи бўлим аъзолари бу ишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бўлим бошлиғи Мирҳаким Мирюсупов жамоатчилик асосида обуна ишлари билан шуғулланмоқда. У бошлиқ бўлим ишчиларининг ҳаммаси у ёки бу газета ва журналга обуна бўлишган. Ҳозирнинг ўзидаёқ совхозда 300 га яқин киши келаси йил газета-журналларига обуна бўлди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ФОЙДАЛИ ВА ҚУЛАЙ

Яқингача Тошкентдаги тепловоз депо станциясида қум ортиш ишлари қўлда бажарилар эди. Бир тепловозга лозим бўлган қумни ортиш учун 20—30 минут вақт сарфланар, тўрт киши банд бўлар эди. Бу процесс механизациялаштирилгандан кейин пассажирлар станцияси ҳар ойда 240 сўмдан иқтисод қилабошлади. Тўрт ишчи бошқа участкага ўтказилди, вақт ҳам тежалди. Энди тепловозга қум ортиш учун бор йўғи 5—6 минут вақт сарфланяпти, холос.

А. КОМИССАРОВ.

ПАХТАКОР ПОЧТАЛЬОНЛАР

Жўнаш Аҳмаджонов, Солижон Аҳроржонов, Тошқанбой Исроиловлар Янгийўлдаги Шўралисой алоқа бўлимида почтальон бўлиб ишлашади. Улар районда энг илғор алоқа ходимларидан ҳисобланишади. Мана, ўн йилдан ҳам ошиптики, уч дўст кишиларга хушхабар, газета, журнал ва нафақа етказиб бериб, ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Бўш вақтларида эса пахта далаларида «оқ олтин» териб, ҳамқишлоқларига ёрдамлашмоқдалар. Ж. Аҳмаджонов ҳар куни 200 дан ортиқ хонадонга хат, газета-журнал етказиб бериш билан 40—50 килограммдан пахта термоқда. Тошқанбой Исроилов билан Самижон Аҳроржонов ҳам ундан қолишмаяпти. Улар ҳам ҳар куни 30—40 килограммдан пахта теришмоқда.

Ш. РАЖАБОВ.

ДОВЮРАК УҚУВЧИЛАР

«Оққўрғон» совхозидаги 27-ўрта мактаб ўқувчилари Турсуной Усмонова, Оминахон Мамаровоқовалар мактабдан уйга қайтишари. Энди муйнишга бурилишган ҳам эдики, ўнг томондаги кўчадан:

«Ёрдам беринг, ҳой ким бор, ёрдам», — деган овоз эшитилди. Қизлар дарров овоз келган томонга югуришди. Гуриллаб ёнаётган пичан ғарами тобора авж олар, аланга уйга яқинлашар эди. Ўт тезлик билан ўчирилмаса уйга ўтиши аниқ эди. Кампир ўзини йўқотиб қўйган, нима қилишни билмай ҳовлида гир айланарди. Т. Усмонова билан О. Мамаровоқовалар дарҳол ўтни ўчиришга киришдилар. Йў пайт 4-бўлим ишчиси Розия Сатторов ҳам етиб келди. Улар биргалашиб ёнғинни ўчиришди. Бахтсиз ходисанинг олди олинди. Хожар хола довюрак ўқувчилар Турсуной Усмонова ва Оминахон Мамаровоқова ҳамда совхоз ишчиси Розия Сатторовларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Т. МИРҚУРБОНОВ.

ЎРИНЛИ АЛМАШТИРИШ ФОЙДА БЕРДИ

Ҳурматли ишқибозлар, эсингизда бўлса керак, Тошкентда «Пахтакор» билан пойтахтнинг ЦСКА командаси ўртасидаги учрашув 1:1 ҳисобида, дуранг бўлиб тугаган эди. Тошкентликлардан тўпни В. Казаков киритганди. Ўтган тўпни рақибларнинг иккинчи даврадаги учрашуви ҳам 1:1 ҳисобида тугади. Пахтакорчилардан бу сафар ҳам тўпни В. Казаков киритди. Бу футболчи ўйинга фақат 51. минутдан кейингина аралашди, унгача запас ўйинчилар сафида, томошабин эди. Рақибларнинг бу олишуви қандай ўтди? Ўйиннинг 5-минутидаёқ армиячилар олдинга чиқиб олишди. Федотов жуда яқин масофадан ҳисобни очди. Кейинги минутларда ҳам пойтахт футболчилари устунлик қилдилар. Пахтакорчиларнинг қарши ҳужуми натижасиз тугади. Варга, Секеч, Федотов бир неча марта қулай имкониятларни бой бердилар. Ю. Пшеничников моҳирлик билан ўйнаб, томошабинлар олқишларга сазовор бўлди. У бир эмас, икки-уч марта командасини голдан сақлаб қолди. «Пахтакор» ҳам ҳужумни кучайтираборди. Аммо Солохо ўрнига В. Казаков тушгандан кейин тошкентликлар тез-тез рақиб штраф майдонига ёриб киирабошлади. Лар. 78-минутда Абдураимов штраф тўпи тепди, Казаков эса уни Баужа дарвозасига киритди.

МАСТЕРЛИККА БИР ҚАДАМ

Тошкентнинг «Звезда» футболчилари Днепропетровскда ўтказилаётган физкультура коллективлари ўртасидаги СССР Кубоги мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқда. Ўзбек футболчилари биринчи куни Ленинграднинг «Комсомолец» командасини 2:0 ҳисобида енгандан кейин, эртасига Полтаванинг «Спутник» командасини ҳам таслим қилди. «Спутник» тошкентликларнинг бешта тўпига, атиги иккита тўп билан жавоб қайтарди, холос.

Финалда «Звезда» билан Львовнинг ҳарбий-сиёсий билим юрти коллективлари учрашди. Ҳар иккала команда ҳисобида тўрттадан очко бор эди. Бу ўйин голибликни аниқлаб берарди. Рақиблар жуда эҳтиёткорлик билан ўйнади. Ҳужумдан кўра ҳимояга кўпроқ эътибор берилганлигини ўйин тугагач таблодаги 0:0 рақами ўзгармай қолганидан ҳам билса бўларди. Ғолиб чиққан команда фахрли СССР Кубогини олиш билан бирга шаҳарларига СССР спорт мастери бўлиб қайтишади. Республикамизнинг кўпсонли ишқибозлари «Звезда»ни ҳам, 1962 йилда «Сокол»ни кутиб олгандек қарши олишга, баракалла, ишончи окладингиз деб гулдаста тутишга шайлар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Ҳамтовоқлар

Эй, аттанг. Ҳали жиноят билан хиёнатни, яхшилик билан ёмонликни фарқ қилмай, гоҳо жиноятчини мукофотга тақдим этиб турадиган раҳбарлар ҳам бор экан.

Бўка сельосининг раиси П. С. Чупистов ана шундай «танти» раҳбарлардан экан. У, магазиннинг бир чеккасига қошиқ солиб, еб тугатмагунча бунақа уриб қолди, юлиб қолдиларни жиноят қаторига қўшмайдиган одат чиқарибди. Танти хўжайиннинг бу фазилати қўли қолган сотувчидан тортиб, «сельпо» дарёсини шимириб, тоғни кемирадиган магазин мудирларигача дастак бўлиб қолибди. Ҳозир улар тешик жиғилдон халтасини ким олдин тўлдиришга пойга қўйиб юришибди. Натижа ҳам ёмон бўлаётгани йўқ. Ўтган йили 21-магазин мудири Н. Отабоева 4 минг 200 сўм, 15-магазин мудири Исроилов 2 минг 726 сўм, нархи туширилган моллар магазинининг мудири Ў. Турсунқулов 4 минг 455 сўм, «Райунивермаг»нинг бўлим мудири З. Сиддиқова 1 минг 573 сўм, қўйингчи, 10 киши давлатнинг 52 минг сўмини кемириб, пойгада ютқазиб қўйгани учун ишдан четлатилди. Ақл тиши чиққандан буён пойгада қатнашавериб, сиркаси ачиб кетган «Райунивермаг»нинг галантерия бўлими мудири Ш. Жўрабекова бошқаларга ўхшаб майдалаб ўтирмади. У бир йўла 15 минг 200 сўмлик эркаклар ва аёллар тилла соатини «ўғрига олдириб» кўчага «дод» солиб чиқди.

— Хотиржам бўлинг, соат ўғрисининг соясини ерга туширмай топиб келамиз, — дейишди район милиция бўлимининг раҳбарлари.

— Бе, 15 минг сўмлик экан-у, 20 минг сўмлик соат бўлганда ҳам бир томчи кўз ёшингга олмаймиз. Бош-кўзингдан садақа. Сен энди ўғрининг қадами теккан галантерия бўлимида эмас, ипаклик газламалар билан савдо қилишинг керак, — деди сельпо раиси Чупистов.

Бай-бай, бунақа иззатни қайси савдо ходими кўрган. Пойгада ютиб, ўрнида мустаҳкам ўрнашиб олган Ш. Жўрабекова ҳозир магазинга келган камёб молларга офтоб туширмай, орқа эшикдан тарқатиб турибди. Лекин игна иўқолса топиб берадиган район қидирув бўлимининг ходимлари 15 минг сўмни назарлари илмади шекилли қўл силтаб кетишди.

Жиноятчи ким-у, ҳиёнатчи ким? Бу жумбоқ ҳозирча бир тараф бўлгунча, сиз гапни «Райунивермаг» директори Абдувоҳид Мавлоновдан эшитинг:

Мавлонов кўп қатори пойгага қатнашишга қатнашиб қўйди-ю, лекин қайси йўл билан мўмай пул топишга қолганда ўйлаиб қолди. У, кўп ҳийлаю-ҳунарларидан бирини ишлатиб кўрган эди, чакки бўлмади. Мавлонов

ФЕЛЬЕТОН

115/5191 счётли фактура билан Тўйтепадаги районлараро базадан олиб келган аёлларнинг 15 дона жунли рўмолини сотувчиларнинг бирига билдириб, иккинчисига сездирмай бир зумда пуллади. Мовлонов бундай қараса бунақа майда-чуйда рўмол фойдаси оч ичагига юқ бўлмайдиган. Шу йил май ойида «Узбекбирлашув» складининг мудири, сирдош дўсти Абдурайим Иброҳимов олдига кўз ёши қилиб келади.

— Ия, сенга нима бўлди, дўстим, тинчликми, — сўради Иброҳимов ўзидан ҳавотирланиб.

— Суф сенга, тағин дўст эмиш, — деди у ўзини тутолмай. — Битта-яримта молни бундай фактур-мактурсиз ошириб туролмайдиган дўст, қанақа дўст бўлсин.

— Эй, ваҳимангни қара-ю, мен бир гап бўлиптими дебман. Мол сендан айлансин. Кетавер, эртага орқангдан ўзим элтиб бераман.

Мавлонов уйида ўзини офтобга солиб ухлаб ётганида бўлим мудири З. Сиддиқова шахсий машинасида 200 дона капрон рўмол олиб келган Иброҳимовни бошлаб келади. Мавлонов рўмолни очиб кўради-да:

— Қалай, кетадими, — деб сўрайди учиб-кўниб турган Сиддиқовадан.

— Оҳ, кетганда қандай хўжайин. Буни 4 сўм 70 тийинга эмас, 6 сўмга ҳам кўтаради.

Мавлонов бу рўмолнинг ҳар бир донасига 4 сўм 70 тийиндан пул санаб бериб уни магазиннинг галантерия бўлими мудири Зуҳра Сиддиқова орқали 5 сўм 83 тийиндан соттираётганда, сельпо раиси ўз ҳузурига чақириб қолади уни.

— Молодец ука, — дейди раис унинг елкасига қўлини ташлаб, — асл савдо ходими экансан. Қани энди бошқалар ҳам сенга ўхшаб ишласа. Шу иштаханг бўлса тегирмон тошини ҳам ютиб юборишингга ишонса бўлади-ку, лекин ёмон кўзга рўпара бўлиб қолишингдан қўрқаман-да.

Мақтовлардан оғзининг таноби тутолмай турган Мавлонов раснинг кейинги жумласини эшитди-ю, бўшашиб кетди. У онасига эркаланган беозор мусичадек Чупистовнинг пинжига тиқилди.

— Гап шундай ука, ҳозирча ўқиш баҳонасида кўпчилик кўзидан панароқ бўлиб турмасанг вақт нозик. Ҳа, энди кирпи тер тўкиб ишлагандан кейин дам олишнинг ҳам керак-да. Қалай яхши ўйлабманми? — раис унга кўз қирини ташлади, ҳонада сирли кулги кўтарилди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, ўқишдан ялиниб қайтган А. Мавлонов яна Чупистовнинг ҳонасида пайдо бўлди. Эшикдан кўриниши билан раис уни ўрнидан туриб, қулоч ёзиб қарши олди.

— Ке, ука, бормисан? Сен кетдинг-ку, савдодан файз кўтарилди, бошимизда галва.

— Қанақа галва хўжайин, — сўрайди Мавлонов ундан бўшашиб.

— Қанақа галва бўларди. Аччи Сиддиқова фактурасиз рўмол сотаётганда тузоққа тушиб қолибди.

Оғзингизга қараб гапиринг хўжайин, қанақа рўмол, қанақа фактур. Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ, — деди у ўзини ғўлликка солиб.

— Молодец, ана шундай бўлиш керак. Туя кўрдингми, йўқ, — Чупистов, унинг елкасига қоқди. Мавлонов эса раисдан патво олиб, универмагга енг шимариб кириб келаётганда район милиция ходимлари унинг йўлини тўсишди.

Тўғри сельпога ин қуриб, халқ нонини туя қилиб келган бу эгри қўлларнинг жиноятлари очилишга очилдию, лекин нимагадир на район на область милиция бўлими раҳбарлари бир йилдан буён индамай ўтиришибди.

Жиноятчилар эса «қор ёғиб зора излар босилиб кетса» деб дўпиларини ҳамон чамбарак қилиб юришибди.

А. ШАИХОВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҒАЛАТИ ЛОТЕРЕЯ

Лондон муниципалитети ташкил этган лотерея Англия пойтахти аҳолиси ўртасида катта қизиқиш туғдирди. Ҳатто, дастлаб чиқарилган билетлар сонини икки баравар кўпайтиришга тўғри келди. Бунинг боиси, лотереянинг асосий ютуғи... бахтли билет эгасига автомашинасини шаҳарнинг хоҳлаган жоиида бир йилгача бепул қўйиш имконини берарди.

ЭНГ СОВУҚ ЖОЙ

Ёқутиянинг Ойтекан поселкаси «совуқлик қутби» деб аталиш ҳуқуқидан аллақачоноқ маҳрум бўлган. Маълумки, эндиликда бу ҳуқуқни Антрактида эгаллаган.

Яқин вақтларгача «Восток» деган совет илмий станцияси жойлашган район муз қитъасида энг совуқ жой, деб ҳисобланиб келарди. 1960 йил 24 августда бу ерда термометр 83,3 даража совуқни кўрсатган эди. Бироқ Норвегия қутб институтининг маълумотига қараганда, ўтган қишда энг рекорд совуқ — 94,5 даража Жанубий қутб яқинида рўйхатга олинган. Норвегия гляциологлари қутбда қолдирилган спирт шундай даражани кўрсатган.

ЕРДА ҲАЁТ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу саволга турли даврда турлича жавоб берилган. Кўпгина асрлар давомида христиан геологлари жуда аниқ қилиб. Ерда ҳаёт 5508 йилда Исо туғилмасдан илгари ва Ер пайдо бўлганидан уч кун кейин бошланган, деб айтиб келдилар.

Совет фани тараққий этиши билан ҳаётнинг пайдо бўлган вақти тезлик билан миниг ва миллион йиллар орқага сурилди. Яқиндагина Гарвард университетининг доктор Д. Мезер раҳбарлигидаги бир группа олимлари бундан икки миллиард йил илгари яшаган бактерияларнинг суратини босиб чиқардилар. Лекин Ерда ҳаётнинг пайдо бўлганлигига 2 миллиард 700 миллион йил бўлган. Машҳур биохимик, Нобель мукофоти лауреати М. Кэльвин топилган бактериялар ёшини шундай, деб аниқлади.

ИНВАЛИД ТОШБАҚА

Вашингтон зоология паркида яшовчи 200 килограммлик тошбақа билан бахтсиз ҳодиса рўй берди. Натижада унинг оёғини ампутация қилишга тўғри келди. Жониворга ёрдам бериш учун раҳмдил бир ветеринар унга протез ясаб берди. Протез тошбақа қопқоғига маҳкамланиб қўйилади. Жониворнинг бу сунъий оёғи ғилдиракли. Шуниси қизиқки, юришда инвалид тошбақа бошқа соғлом тошбақалардан сира орқада қолмайди.

1967 ИЙЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА

обуна бўлишни унутманг!

Газетага обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, почтальонлар, фабрика, заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга 5 сўм 28 тийин, 6 ойга 2 сўм 64 тийин, 3 ойга 1 сўм 32 тийин.

РЕКЛАША ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

14.55 — Москва кўрсатади. Совет-поляк дўстлиги митинги (Съездлар саройидан).

Ўзбек тилида: 17.00 — Мактаб нўғирчоқ театри (кичикнтойлар учун). 17.25 — Телевизион янгиликлар. 17.40 — Яширин фронт (телевизион бадиий фильм, V серияси) 18.10 — Телевизион миниатюралар. 18.55 — Ота-оналар университети.

Рус тилида: 19.35 — Телевизион янгиликлар.

19.50 — Эртаги кун программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Биз Спасскидан (болалар учун фильм-концерт). 17.35 — Муз устидаги саҳнада (ҳужжатли фильм). 18.05 — Ака-ука Риколар (телеспектакль). 19.50 — Тошкент янгиликлари.

Ўзбек тилида: 20.00 — Типратикан (телефильм). 20.50 — Москвалик қувувчилар янги марраларни эгалламоқдалар. 21.20 — Замондош. 21.40 — Агар ҳақ бўлсанг (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/Х да Фауст, 16/Х да Мирандолина.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/Х да Қирол Лир, 16/Х да Парвона.

КИНО

Уруш ва тинчлик — САНЪАТ САРОЙИ (икки қисмдан иборат 1-серия, кеч соат 6·15 ва 9·15 минутда). Билетлар сотилмоқда.

Кураш ранглари — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да). НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11·40, кундуз 3·20 минут ва 5 да).

Йилнинг уч фасли — «МОСКВА», «КОСМОСОЛ» 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қалбингда қуёш — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 6·40 минутда).

«Узхладоторгмонтаж» трестининг ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА металл конструкцияларни йиғувчи слесарлар, газоэлектросварвачилар, тунукасозлар, слесарлар: монтажчилар, электриклар (ишбайга)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Грампластинка кўчаси, 40-уй (1, 4, 41, 20-автобуснинг «Салор станцияси» остановкаси).

«Узхладоторгмонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

фреон холодильник установкаларини ремонт ва монтаж қилувчилар ҳамда техник жиҳатдан қараб турувчилар тайёрлайдиган

КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсга камида 8-синф ҳажмида маълумотли ва камида 2-разрядли автослесарь, электрик ихтисосига эга бўлган кишилар 22 ёшдан тортиб қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Машғулотлар 20 октябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Грампластинка кўчаси, 40-уй. Телефон 6-21-31.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг Босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08821. ИНДЕКС 64969. Г. 1223.